

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙИТОВ САИДЖОН БАХТИЁР ЎҒЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ
ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.02 – Макроиқтисодиёт

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation of doctoral of Philosophy (PhD)
on economic science**

Хайитов Саиджон Бахтиёр ўғли

Ўзбекистон Республикасида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат-хусусий шериклик механизмини такомиллаштириш 3

Хайитов Саиджон Бахтиёр угли

Совершенствование механизма государственно-частного партнерства в обеспечении устойчивого экономического роста в Республике Узбекистан ... 29

Khayitov Saidjon Bakhtiyor ugli

Improving the mechanism of public-private partnership in ensuring sustainable economic growth in the Republic of Uzbekistan 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙИТОВ САИДЖОН БАХТИЁР ЎҒЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ
ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.02 – Макроиқтисодиёт

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt1398 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Асқарова Мавлуда Турабовна**
Иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Усмонов Анвар Саидмахмудович**
Иқтисод фанлари доктори, профессор
Бўстонов Мансур Мардонкулович
Иқтисод фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2021.I.16.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-71, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-71, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2023 йил _____ куни тарқатилди.
(2023 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.К. Худойкулов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Д. Хажиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

Н.М. Махмудов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал рақобат кескинлашуви шароитида барқарор ривожланишни таъминлашда бюджет чекловлари, давлат қарзлари мавжудлиги ва зарур маблағларнинг етишмаслиги, аксарият ҳолларда кам даромадли ёки ривожланаётган мамлакатларда инфратузилма эҳтиёжларини молиялаштириш учун муқобил усулларни излашга интилиш кучайиб бормоқда. Бунда давлат-хусусий шериклик модели муқобил молиялаштириш манбаи бўлиб, инфратузилмага киритилаётган инвестиция билан боғлиқ фаолиятни қўллаб-қувватлаш механизми сифатида тобора оммалашиб бормоқда. «Жаҳон амалиётида давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) дастаклари ДХШ объектларининг кенг спектри бўйича ижтимоий инфратузилмани узоқ муддатли молиялаштириш ва бошқариш мақсадида хусусий компанияларни жалб этиш учун қўлланилмоқда»¹. Макроиктисодий барқарорликни таъминлашда кўп ҳолларда ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш муҳим омил сифатида кўрсатилмоқда.

Жаҳонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат-хусусий шериклик механизмини такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада давлат-хусусий шериклик механизмини жорий этиш босқичлари ва соҳаларини аниқлаш, энергетика, сув таъминоти, транспорт, телекоммуникация, ахборот технологиялари ва бошқа тармоқларда давлат ва хусусий муассасаларнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини ривожлантириш, ҳудудий инфратузилма объектлари фаолият самарадорлигини таъминлаш усул ва воситаларини жорий этиш, ДХШ доирасида ижтимоий неъматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, соҳанинг истикболдаги фаолият миқёсларини баҳолаш ва прогноз қилиш сингари тадқиқот йўналишларини қайд этиш мумкин.

Янги Ўзбекистонда жадал ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида «Хусусий секторга ўтказиладиган айрим давлат функциялари сонини 3 баробарга ошириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ...давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ доллариغا тенг инвестиция жалб этиш» сингари муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилиши минтақаларда маҳаллий ҳокимлик ва тадбиркорлар шериклигида кичик турдаги қайта ишлаш корхоналарини ўзаро тегишли ваколат ва мажбуриятларни тақсимлаш асосида ташкил этиш, давлат ва кичик бизнес ўртасидаги ҳамкорликнинг янги самарали шакли сифатида инвестиция ресурсларини жалб этишнинг гибрид механизми асосида лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш минтақавий фондини шакллантириш,

¹ Агазарян Н.В. Анализ мирового опыта применения механизма государственно-частного партнерства. // Государственно-частное партнерство, 2016. - Т. 3. - № 2. – С. 151-172. - doi: 10.18334/ppp.3.2.37071

ижтимоий-иқтисодий соҳа тармоқларида йирик ва кичик ҳажмли молиявий ДХШ лойиҳалари сонини кўпайтириш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига ички ва ташқи инвестицияларни молиялаштиришни такомиллаштириш сингари масалаларни илмий тадқиқ этиш заруратини кучайтиради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2021 йил 7 июндаги ПҚ-5138-сон «Давлат-хусусий шериклик асосида худудларда замонавий иссиқхона хўжаликларини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 20 октябрдаги ПҚ-3980-сон «Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 августдаги 509-сон «Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва уларни молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 13 декабрдаги 1009-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2021 йил 10 апрелдаги 199-сон «Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш борасида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон «Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Давлат-хусусий шерикликнинг иқтисодий, институционал ва бошқарув жиҳатлари борасида бир қатор хорижий ва ўзбекистонлик олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган ва улар томонидан қатор илмий ишлар чоп этилган.

И.Бойлер, С.Шеллер, Ирвин Эрхард, Хаммани, Томсен, Давид Баткер, Пол Хартман, Жефф Огден, Росс Жексон, Жеффри Делмон сингари хорижлик олимлари давлат-хусусий шериклик механизми ва барқарор ривожланишининг назарий асослари бўйича илмий фаолият олиб борганлар².

² Boyer & Scheller - An Examination of State-Level Public-Private Partnership Adoption: Analyzing Economic, Political, and Demand-Related Determinants of PPPs – Sage journals- 2018; Erwin Erhardt- Macroeconomic drivers of Public Private Partnership (PPP) projects in low income and developing countries: A panel data analysis- 2004; /// David Batker (“Batker Consulting” LLC, 14420 Duryea Ln S., Parkland, Washington 98444, USA) - “Implementing ecological economics” “Ecological Economics” журнали. Ecological Economics 172 (2020) 106606; /// Давид Бакстер David Baxter – “How will coronavirus affect public-private partnerships?”- march 10, 2020; /// Пол Хартман а, Жефф

Давлат ва хусусий табиркорлик ўртасидаги муносабатларнинг турли хил ёндашувларини МДХ давлатлари олимлари, жумладан, М.Н.Афанасьева, В.П.Бочаров, Ю.В.Вертакова, С.Ю.Глазьев, Г.В.Горланов, Г.А.Дробот, С.С.Евтюхов, А.Ю.Зудин, А.Д.Некипелов, И.М.Осадч, Б.Г.Преображенская, И.Е.Рисин, Д.А.Розенков, Е.В.Сибирская, Ю.И.Трещевская, Я.Ш.Паппэ, С.П.Перегудов, Ф.И.Шамхалов, Ю.Шишков ва бошқалар ўз илмий ишларида акс эттирганлар. Давлат-хусусий шерикликнинг иқтисодий-ташкилий потенциали О.С.Белокрылова, В.Г.Варнавальская, Л.И.Ефимова, О.А.Ломовцева, В.А.Михеев, Т.Санникова, Б.Столяров ва А.Шмаров сингари олимларнинг ишларида ўрганилган. Шу билан бирга, давлат-хусусий шерикликлигининг илмий-назарий жиҳатлари иқтисодчи олимлар Е.Р.Эскомб, М.Б.Карриган, К.А.Антонов, Е.А.Динин, С.С.Черновнинг ишларида ўрганилган³.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар С.С.Ғуломов, И.И.Искандаров, У.И.Джуманиязов, Б.Б.Беркинов, Н.М.Махмудов, О.Ш.Собиров, А.Сатторов, Н.Жумаев, Б.Валиев, А.Т.Ахмедиева, З.Тожиева, Ф.Т.Уранова ва бошқалар давлат-хусусий шериклик муносабатлари мавзуларида илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар⁴.

Тадқиқотнинг мақсади давлат-хусусий шериклик механизмини такомиллаштириш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат-хусусий шериклик муносабатларининг илмий-назарий жиҳатларини ўрганиш;

давлат-хусусий шерикликнинг институционал ва қонунчилик нормаларини такомиллаштириш;

Ogden, Росс Жексон - "Contract duration: Barrier or bridge to successful public-private partnerships?" - "Technology in Society" журнали. Technology in Society 63 (2020) 101403. // Жеффри Делмон (Jeffrey Delmon)-Private Sector Investment in Infrastructure: Project Finance, PPP Projects and PPP Frameworks. / World Bank Publications; 2-ed. (April 8, 2009).

³ Варнавальская В.Г. Определение государственно-частного партнерства в экономической теории и практике. / Институты и механизмы государственно-частного партнёрства. – С. 20-21. // Балашов Е.В., Наумов Е.А. Фан ва инновациялар соҳасидаги ДХШнинг корпоратив моделлари тўғрисида. // Инновацион тизимларда ДХШ. Силвестрова. – М., 2008. – С.4-49. // Федосенко Е.А. Касб-хунар таълими соҳасида давлат-хусусий шериклик шакллари. //Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2011 й. – С. 29. // Колосов, А.С. Давлат-хусусий шерикликнинг иқтисодий, институционал ва бошқарув жиҳатлари. / Колосов А.С., Рисин И.Е. / ФЕС: Молия, иқтисодиёт, стратегия, 2011. – ст. 29. – С. 35-38. // Колосов А.С. «Государственно-частное партнерство: содержание, организация, управление развитием» мавзусидаги диссертация автореферати. 24.11.2011 й. // Олейник А. Институциональная экономика. – М.: ИНФРА-М, 2000. – С. 344-345. // Игнатюк Н.А. Государственно-частное-партнерство. – М.: Юстицинформ, 2012. -490 с.

⁴ Беркинов Б.Б. Неделькина Н.И., Ахмедов У.Қ. Ўзбекистоннинг инфратузилмавий соҳаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига инвестициялар жалб этиш. – Т.: Фан ва технология, 2019 й.,189 бет. // Беркинов Б.Б. Шакирова Г.А. Маҳалла ҳудудида оилани қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари шакллари. // Иқтисодиёт ва таълим, 2020. №2. // Беркинов Б.Б., Ахмедов У.Қ. Қишлоқ хўжалиги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари. “Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар” мавзусидаги республика миқёсида ўтказилган 18-кўп тармоқли илмий масофавий конференцияси. Ч.9. 2020 йил 30 июль. – Т.: Тадқиқот, 2020. 19-20-б. // Беркинов Б.Б., Аскарлова М.Т., Абдурахимова С. Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси. Ўқув қўлланма. – Т., 2019.,78 бет. // Уранова Ф.Т. “Ўзбекистон тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал секторини лойиҳавий молиялашдаги иштирокини кенгайтириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси. // Банк ва молия академияси. – Т., 2020. – С. 3-4. // Балашов Е.В., Наумов Е.А. Фан ва инновациялар соҳасидаги ДХШнинг корпоратив моделлари тўғрисида. Инновацион тизимларда ДХШ. Силвестрова. – М., 2008. – С. 4-49.

давлат-хусусий шерикликнинг хориж мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, ундан мамлакатда фойдаланиш имкониятларини баҳолаш;

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш тажрибалари ва уни рағбатлантириш йўналишларини асослаш;

давлат-хусусий шериклик объектларига инвестициялар киритиш механизмнинг услубий жиҳатларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишида давлат-хусусий шериклик механизмини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шериклик фаолиятини ташкил этиш, ривожлантириш ва тартибга солиш муассасалари ҳамда мазкур механизм доирасида фаолият юритувчи иқтисодий субъектлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети давлат-хусусий шериклик механизмини такомиллаштириш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш жараёнларида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув усуллари, статистик, таркибий ва қиёсий таҳлил усуллари, SWOT таҳлили, социологик сўров, иқтисодий ва математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

минтақаларда чиқиндиларни қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнларни бошқариш учун маҳаллий ҳокимлик ва тадбиркорлар шериклигида кичик турдаги қайта ишлаш корхоналарини ўзаро тегишли ваколат ва мажбуриятларни тақсимлаш асосида ташкил этиш асосланган;

давлат ва кичик бизнес ўртасидаги ҳамкорликнинг янги самарали шакли сифатида инвестиция ресурсларини жалб этишнинг гибрид механизми асосида лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш минтақавий фондини шакллантириш таклифи асосланган;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига ички ва ташқи инвестициялар киритишни молиялаштириш фондини ташкил этиш таклифи асосланган;

бевосита масъул институтлар томонидан мазмунан ва ташкилий жиҳатдан тақсимлаш имкони мавжуд бўлган тижорат тавсифидаги йирик ДХШ лойиҳаларини алоҳида кичик ҳажмли молиявий ДХШ лойиҳаларига ажратиш орқали худудлардаги ижтимоий-иқтисодий соҳа тармоқлари фаолияти самарадорлигини таъминлаш асосланган.

Тадқиқот ишининг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатда давлат-хусусий шерикликнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш орқали ДХШни ривожлантириш борасидаги услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган;

давлат-хусусий шериклиги асосида инвестициялашни ривожлантиришнинг махсус институтларини ташкил қилиш бўйича таклифлар асосланган;

давлат-хусусий шериклик таркиби ва уни ижтимоий-иқтисодий жиҳатлар билан тўлдириш тамойилларини яратиш таклифи асосланган;

Ўзбекистонда ДХШ лойиҳаларини биргаликда амалга оширувчи субъектларнинг бошқарув фаолиятида мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

замонавий ташқи ва ички тажрибалардан келиб чиқиб, ДХШ механизми ютуқлари билан тавсифланган давлат-хусусий шериклик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган услубий ёндашув асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги қўлланилаётган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, шунингдек, маълумотлар базаси расмий манбалардан олинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлат-хусусий шериклигининг мазмуни ва механизмини ифодаловчи концептуал қоидалар, давлат-хусусий шерикликни ташкил этиш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ўсиш йўналишларидан замонавий назариянинг тегишли бўлимларини тўлдириш, мазкур муаммога йўналтирилган илмий тадқиқотларнинг илмий-услубий асосларини янада такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот давомида ишлаб чиқилган тавсия ва хулосалардан давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятида, миллий, минтақавий ва ДХШ билан боғлиқ давлат дастурлари, шу билан бирга уларни ривожлантиришга қаратилган аниқ лойиҳаларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат-хусусий шериклик механизмини такомиллаштириш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялар асосида:

минтақаларда чиқиндиларни қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнларни бошқариш учун маҳаллий ҳокимлик ва тадбиркорлар шериклигида кичик турдаги қайта ишлаш корхоналарини ўзаро тегишли ваколат ва мажбуриятларни тақсимлаш асосида ташкил этиш таклифи «Худудларда давлат-хусусий шериклик доирасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш» дастури асосида чиқиндиларни қайта ишлаш пунктларини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 19 сентябрдаги 06/04-01-37/3298-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Тошкент, Наманган, Бухоро, Фарғона вилоятларида 9 та ДХШ лойиҳаси доирасида вилоят тадбиркорлари ташаббуси билан 237,3 млрд. сўм инвестиция жалб этилиб, маҳаллий аҳоли учун 45 та янги иш ўрни яратилган;

давлат ва кичик бизнес ўртасидаги ҳамкорликнинг янги самарали шакли сифатида инвестиция ресурсларини жалб этишнинг гибрид механизми асосида лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш минтақавий фондини шакллантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 августдаги 509-сон «Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва уларни молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-илоvasи 5-бандига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил

19 сентябрдаги 06/04-01-37/3298-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида хусусийлаштиришдан кейин тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун махсус инвестиция фонди шакллантирилиб, мамлакат тараққиётига масъул маҳаллий банкларнинг функциялари белгилаб берилган;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига ички ва ташқи инвестициялар киритишни молиялаштириш фондини ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонида киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 19 сентябрдаги 06/04-01-37/3298-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастурларига давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 млрд. АҚШ доллари ҳисобида инвестицияларни жалб этиш вазифаси киритилган;

бевосита масъул институтлар томонидан мазмунан ва ташкилий жиҳатдан тақсимлаш имкони мавжуд бўлган тижорат тавсифидаги йирик ДХШ лойиҳаларини алоҳида кичик ҳажмли молиявий ДХШ лойиҳаларига ажратиш орқали ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий соҳа тармоқлари фаолият самарадорлигини таъминлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Ҳудудларда давлат-хусусий шериклик доирасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш» дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 19 сентябрдаги 06/04-01-37/3298-сонли маълумотномаси).

Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ДХШ дастури бўйича индивидуал капитал қиймати 10 млн. АҚШ доллари бўлган йирик ва умумий қиймати қарийб 8 млрд. АҚШ доллари бўлган 20 та ўрта лойиҳалар амалиётга жорий қилиниб, 2020 – 2022 йилларда оралиқ қиймати 1 млрд. сўмгача бўлган 130 та лойиҳа концепциялари ишлаб чиқилган ва молиялаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш эълон қилинган. Улардан 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган маҳаллий нашрларда ва 2 таси халқаро журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети

тавсифланган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат-хусусий шерикликнинг илмий-назарий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) муносабатларининг мазмун-моҳияти ва уни ривожлантириш тамойиллари ёритиб берилган. Шу билан бирга ДХШни ташкил этиш хориж тажрибалари асосида таҳлил қилинган ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг институционал ва қонунчилик асослари келтирилган.

Давлат-хусусий шериклиги кооператив келишувнинг бир кўриниши бўлиб, икки ёки ундан ортиқ давлат ва хусусий сектор вакиллариининг инвестиция, инфратузилма, инновация лойиҳалари ҳамда ижтимоий-иқтисодий, илмий, шунингдек, давлат аҳамиятига молик дастурлардаги шериклик муносабатлари тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиёт тармоқлари, шунингдек, таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантиришда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди⁵.

Бугунги глобаллашув шароитида мамлакатимиз иқтисодиётини янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда принципларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш талаб этилмоқда. Умуман, тизим сифатида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) ўз ривожланишида муайян босқичлардан ўтган (1-расм).

2000 йилдан буён мамлакат аҳолиси сони ошиши билан бир қаторда ишсизлик кўрсаткичлари ҳам ошиб борган. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, янги иш ўринлари ташкил этилиши, ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ортиши натижасида ҳам сўнгги 4 йил давомида ўртача 9 % атрофидаги ишсизлик даражаси намоён бўлди. Ана шу аҳоли фаровонлигини оширишда ДХШ лойиҳалари асосида инфратузилмали ва ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиши натижасида хусусий сектор ва давлат, шунингдек, аҳоли манфаатлари қисман, айрим соҳаларда тўлиқ таъминланади.

Шу билан бирга, мамлакат иқтисодий ривожланишида ишсизликдан ташқари кўплаб омиллар мавжуд. Улар ички ва ташқи омиллар жамланмасига киради. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун ижобий таъсир кўрсатувчи омилларни рағбатлантиради. Улар қуйидагилардан иборат:

давлат бюджетига тушаётган юкни камайтиради;

давлат-хусусий шериклик объектларига сарфланаётган давлат харажатларининг шаффофлиги юзага келади;


янги инновацион технологияларнинг олиб кирилиши ва эксплуатация жараёни тезлашади;

⁵ <https://xs.uz/uzkr/post/> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси.

истеъмолчи эҳтиёжлари учун товар ва хизматлар аниқ талабларга мувофиқ ишлаб чиқарилади;

ижтимоий ҳаёт тизимини барқарорлаштиришда капитал мақсадли йўналтирилади;

банк ва бошқа молиявий тизимларнинг янги кўринишлари юзага келишига сабаб бўлади.



1-расм. Давлат-хусусий шериклик механизмининг ривожланиш босқичлари⁶

Давлат-хусусий шериклик муносабатларида иқтисодий самарадорликни баҳолаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда самарадорлик қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

1. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича дастлабки шартнома ишга тушса:

ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектлари шаклланади (қурилади);

янги иш ўринлари ташкил этилади;

янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлайди;

ишчилар меҳнат ҳақлари олиш имкониятларига эга бўладилар;

хорижий инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилади.

2. Давлат-хусусий шериклик объекти шартнома бўйича доимий фаолият юритса:

қўшимча ишлаб чиқариш ҳажми ортади ва инфратузилма объектлари кенгаяди;

жорий корхоналарда янги иш ўринлари яратилади;

корхонада даромад (фойда) ҳажми ошади;

харажатлар сарфи ҳажми оптималлашади;

маҳсулотлар экспорти кенгаяди.

⁶ Муаллиф ишланмаси.



2-расм. Давлат-хусусий шериклиги⁷

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг 1-боби тўртинчи моддасида қуйидаги принциплар келтирилган: давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги; давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги; хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик; камситишга йўл қўймаслик; коррупцияга йўл қўймаслик.

Ушбу қонуннинг 9-бобида муҳим ўрин давлат-хусусий шерикликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмларини шакллантиришга берилган. Қонунда давлат-хусусий шерикликнинг предмети давлат мулки ва хизматларининг турли шакллари ҳисобланади. Давлат шериги ва хусусий сектор шериклик предмети бўйича ДХШ лойиҳасининг концепциясини ишлаб чиқади ва уни баҳолаш натижалари асосида ҳамкорлик шартномаси тузилади ва имзоланади (2-расм).

⁷ Муаллиф ишланмаси.

Таъкидлаш жоизки, Европа бозорида ДХШ лойиҳалари умумий қийматининг 66 %ини (9,6 млрд. евро) 8 та лойиҳа ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

Европа бозорида амалга оширилаётган йирик ДХШ лойиҳалари⁸

№	Мамлакат	Объект (лойиҳа) 01.01.2020 й. ҳолатига	Лойиҳа қиймати
1.	Туркия	Чанаккале кўприги	3,1 млрд. евро
2.	Туркия	Анкара-Нигде автомагистрали	1,2 млрд. евро
3.	Франция	Жирондаги кенг полосали фойдаланиш тармоғи	1,2 млрд. евро
4.	Нидерландия	Бланкенбург туннели	1 млрд. евро
5.	Нидерландия	Роттердамдаги А16 шоссеси	930 млн. евро
6.	Нидерландия	Афслейтдейк тўғони	810 млн. евро
7.	Туркия	Билкент университетидаги лаборатория	711 млн. евро
8.	Германия	Нойруппин-Панков А10/А24 шоссеси	652 млн. евро

Давлат-хусусий шериклик учун транспорт сектори дунё мамлакатларида муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Мазкур тармоқда амалга оширилаётган барча лойиҳаларнинг умумий қиймати 7 млрд. еврога тенг. 2020 йилда эса уларнинг қиймати тахминан 7,6 млрд. еврони ташкил қилган.

2020 йилда ДХШ лойиҳаларининг умумий қиймати бўйича 5,1 млрд. евро кўрсаткичи билан Туркия етакчилик қилди (2019 йилда – 6 млрд. евро). Айни пайтда энг кўп лойиҳалар Францияда амалга оширилди – бир йўла 15 та лойиҳа молиявий ёпиш босқичидан ўтди.

Бешта мамлакатда камида 2 тадан лойиҳа, ўн та мамлакатда эса камида 1 тадан лойиҳа амалга оширилди. Буюк Британия ҳам алоҳида эътиборни ўзига тортади, у бирмунча кам харажатлар (500 млн. евродан кам) эвазига 8 та ДХШ лойиҳасини амалга оширишга эришган.

Буюк Британия суғурта компаниялари ва пенсия жамғармалари лойиҳаларнинг амалга оширилишида муҳим ўрин тутди. 2021 йилда 39 та ДХШ лойиҳасидан 21 таси институционал инвесторлар туфайли турли молиявий моделлардан фойдаланиш орқали қўшимча маблағлар олган.

Аҳоли инфратузилманинг якуний фойдаланувчиси эканлигини ҳисобга олган ҳолда айрим хорижий мамлакатларда аҳоли жон бошига ҳисобланганда, ДХШ лойиҳаларида жалб этилган инвестициялар ҳажми кўплиги билан ажралиб туради. Буюк Британияда бу кўрсаткич – 1 864 АҚШ доллари қийматида юқори кўрсаткич билан ажралиб туради. Кейинги ўринларда аҳоли жон бошига ДХШ лойиҳалари тақсмоти 1 843 АҚШ доллари билан Бразилия, кейинги ўринларда Туркия, Аргентина, Мексика, Хитой, Ҳиндистон ва энг кам кўрсаткич Россия Федерациясига тўғри келади.

Мамлакатимизда ҳам давлат-хусусий шерикликни такомиллаштириш ва лойиҳаларнинг кўламини кенгайтириш мақсадида турли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда 2019 йил 10 майда (537-сонли) «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Мазкур қонун 10 та боб ва 44 та моддадан

⁸ Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

иборат. Қонун давлат-хусусий шериклик соҳасида халқаро амалиётда синовдан ўтган институционал-ҳуқуқий нормалар ҳамда қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари давлат-хусусий шерикликни ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонунда ДХШнинг асосий тамойиллари, уни тартибга солиш ва давлат сиёсатининг йўналишлари, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, битим тузувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ДХШ лойиҳаларини тақдим этиш қоидалари, тендер ўтказиш талаблари, битим тузиш тартиб-қоидалари, томонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қоидалари, шерикликни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари ва битим бўйича тўловлар таркиби акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонунига мувофиқ давлат-хусусий шериклиги давлат ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлигидир.

Хорижий давлатларнинг қонунчилик ҳужжатларида ДХШга турлича таърифлар берилган, уларнинг моҳияти асосан давлат мулк(хизмат)ларини хусусий сектор (тадбиркор)га бериш ҳамкорлиги ҳисобланади. Масалан, Нидерлендия давлатида ДХШга қуйидагича таъриф берилган. Давлат-хусусий шериклиги – аҳолига тақдим этиш ваколати давлат секторига юклатилган ижтимоий тавсифга эга хизмат кўрсатиш ёки аниқ бир лойиҳани амалга ошириш мақсадида давлат ва хусусий секторлар ҳамкорлигидир.

Ўзбекистонда ДХШнинг қонунда изоҳланган таърифининг моҳиятини қуйидагича тавсифлаш мумкин. Қонунга мувофиқ, давлат мулки ва унинг давлат хизматлари давлат-хусусий шериклигининг предмети ҳисобланади.

Қонунда давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясига қуйидагича таъриф берилган: давлат шериги ва хусусий ташаббускор томонидан тайёрланувчи, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни ҳал этишга доир танловни асослаб берувчи, мазкур лойиҳанинг қиймати ва тавсифини белгиловчи, уни амалга оширишнинг самарадорлиги ва долзарблиги асослари, асосий тавсифномалари ва ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, жалб этилувчи инвестицияларнинг қайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган ҳужжат.

Диссертациянинг «Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида давлат-хусусий шериклик бўйича инфратузилма объекти лойиҳаларининг молиявий-иқтисодий таҳлили, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлиги ва Ўзбекистонда лойиҳаларни амалга жорий этиш имкониятлари кўриб чиқилган.

Илмий тадқиқотларда давлат-хусусий шерикликнинг инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш манбалари қуйидагича кўрсатиб берилган (3-расм):


давлат бюджетидан молиялаштириш;
 корпоратив молиялаштириш;
 лойиҳавий молиялаштириш.



3-расм. ДХШни молиялаштириш манбалари⁹

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини турли манбалар ҳисобидан молиялаштириш мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш-га кенг имкониятлар яратади. Масалан, энергетика соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган. Жами 740 мВт қувватли 21 та йирик лойиҳа мавжуд. Хусусан, келгуси йилда 170 мВтли 7 та, 2023-2024 йилларда 150 мВтли 12 та ҳамда 2025-2026 йилларда 420 мВтли 2 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган¹⁰.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш, аввало, молиялаштириш манбаида бир қатор қийинчиликлар юзага келиши эътиборга олинса, ДХШнинг гибрид механизмини қўллаш самарадорликни оширади. Давлат шериги, хусусий шерик ва Молия ташкилотининг ДХШ лойиҳасида иштироки гибрид меанизмни ташкил этади.



4-расм. ДХШни ташкил этиш босқичлари¹¹

Гибрид лойиҳаларда хусусий шерикни жалб этиш самарадорликни ва фойда кўрсаткичини оширади. Мисол тариқасида, Европа Иттифоқининг ДХШ

⁹ Джеффри Делмон. Государственное частное партнерство в инфраструктуре, 2010 г. 43-б.

¹⁰ <https://president.uz/uz/lists/view/4772>

¹¹ Муаллифлар томонидан тузилган.

лойиҳаларида иштироки бошқа лойиҳа ҳамкорларига нисбатан лойиҳанинг кредит қобилиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи лойиҳани ўрганишнинг дастлабки харажатларини тўлашни ва институционал ёрдам кўрсатишни таъминлайди, лекин гибрид ДХШ лойиҳасига мамлакатларда режалаштирилган барча структуравий инвестиция лойиҳалари учун жалб этиш муаммосини ҳал қилиш масаласининг ечими сифатида ёндашиш мушкул.

Муаллиф таклиф этаётган халқаро молия ташкилотлари, ҳам хусусий фондлар жалб этилишининг сабаби шундаки, молиялаштиришнинг бундай тузилмаси муниципал органлардан ташқари бошқа манбалар ва уларнинг даромад манбаларидан катта молиявий инвестицияларни талаб этувчи лойиҳалари учун қўлланилиши мумкин. Гибрид лойиҳаларда хусусий шерикни жалб этиш самарадорлик ва фойда кўрсаткичини оширади.

Умумлаштирилган тажриба асосида муаллиф томонидан ДХШнинг гибрид лойиҳасини амалга оширишнинг афзалликлари ва хатарлари ишлаб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал

Гибрид лойиҳаларининг афзалликлари ва хатарлари¹²

Гибрид механизмнинг афзалликлари	Хатарлар
<ul style="list-style-type: none"> • пулнинг қиймати юқорилиги; • дизайн ва эксплуатацияни оптималлаштириш имконияти юқорилиги; • молиявий хатарларни трансфер қилиш; • давлат инфратузилма лойиҳаларига инвестиция жалб қилишнинг жозибадорлигини ошириш; • сиёсий манфаат; • хусусий секорнинг иқтисодий ўсиши ва барқарорликни таъминлаш; • инфратузилмани ривожлантириш билан бирга бюджет мажбуриятларини чеклаш сифатида хусусий сектор маблағларидан биргаликда фойдаланиш; • хизматларнинг юқори сифатига эришиш имконияти юзага келиши; • операцион харажатларнинг камайиши; • молиялаштириш жараёнини тезлаштириш. 	<ul style="list-style-type: none"> • фоиз ставкаси ва нархларнинг юқори бўлиши; • рақобатнинг камайиши; • имкониятларнинг чекланиши; • шартномаларнинг узоқ муддатли бўлиши; • эҳтиёждан ортиқ лойиҳалар сони кўпайиб кетиши; • демократик назорат йўқолиши, жамиятнинг лойиҳада иштирок этувчи корхоналарга нисбатан норозилигини ошириш; • ДХШ иштирокчилари ўртасида келишмовчиликлар юзага келиши ва унинг лойиҳага таъсир этиши

Юқорида таъкидланганидек, гибрид ДХШ моделида тақдим этилган лойиҳа маҳаллий ҳокимиятга фойда келтиради. Моделни тайёрлаш ва амалга татбиқ этиш жуда қийин, чунки у бутун лойиҳани таҳлил қилиш ва режалаштириш учун катта меҳнат талаб этади. Гибрид моделга асосланган ДХШ лойиҳалари давлат инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятини яратади, натижада, режалаштирилган бюджет харажатларидан ошмайди.

¹² Муаллиф ишланмаси

Давлат-хусусий шериклик агентлиги томонидан амалга оширилган лойиҳаларга эътибор қаратилса, бу соҳада ўзини оқлаган ва энг кўп қўлланилган тармоқ таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидир. Бундай тармоқларнинг сон жиҳатидан энг кўп қўлланилганлиги турли сабабларга боғлиқ. Соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия тизимларида муаммо ва номутаносибликлар ҳамда тизимга талаб юқорилиги сабабли биринчи навбатда ислоҳ қилишни талаб этувчи соҳалардир.

Жумладан, таълим тизимида амалга оширилган ДХШ лойиҳалари сони 2020 йилда 24 тани ташкил этган, соғлиқни сақлаш соҳасида эса 16 та лойиҳа, маданият соҳасида 14 та, коммунал хизматлар соҳасида 11 та лойиҳа амалга оширилган.

Кейинги йилларда ДХШ лойиҳаларига талаб таълим соҳасида юқориликча қолмоқда. Қиймат жиҳатидан ва таркибий жиҳатдан кичик бизнес соҳаси бўлганлиги боис таълим соҳасида ДХШ лойиҳаларини молиялаштириш маҳаллий хусусий инвестициялар ҳисобига амалга оширилмоқда. Шу ўринда 2021 йилда мактабгача таълим муассасалари 11 212 таси Оилавий ва ДХШ лойиҳалари асосида ташкил этилган болалар боғчалари ҳисобланади. Бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 968 тага кўп эканлигини кўрсатади (3-жадвал).

3-жадвал

Мактабгача таълим муассасалари сони¹³

Мактабгача таълим муассасаларининг мулкчилигига кўра тури	Сони	
	2020 й.	2021 й.
Жами мактабгача таълим муассасалари	18 254	19 316
Жумладан:		
Давлат	6 197	6 258
Хусусий	788	795
Оилавий ва ДХШ асосида	10 244	11 212
Нодавлат	1 025	1 051

Республикада умумий сони 19 316 та мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилган, уларнинг 6 258 тасини давлат ва 13 058 тасини нодавлат (795 та хусусий, 11 212 та оилавий ва ДХШ асосидаги 1 051 та нодавлат МТТ) мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этмоқда. Бундай мактабгача таълим ташкилотларида 1 760 808 нафар бола ёки мактабгача ёшдаги аҳолининг 62,4 фоизи қамраб олинган¹⁴. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда республика миқёсида 18 254 та мактабгача таълим ташкилотида жами 1 699 566 нафар ёки 60,9 фоиз мактабгача таълим ёшидаги бола тарбияланмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 16 июнда «Олий таълим тизимидаги устувор вазифалар»га бағишланган видеоселектор йиғилишида таълим тизимидаги ДХШга эътибор қаратилди, яъни «Ётоқхона ўринлари сонини ошириш» масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Ҳозирги кунда

¹³ Муаллиф ишланмаси.


¹⁴ <https://mdo.uz/uzc> Мактабгача таълим вазирлиги расмий сайти маълумотлари.

талабалар учун кўшимча 149 мингта турар жойга эҳтиёж мавжуд. Талабалар ётоқхоналарини тадбиркорлар билан хусусий шериклик асосида ташкил этиш учун олий таълим муассасаси ҳудудидан ёки унга яқин жойдан аукцион орқали ер ажратилиши белгилаб берилди. Бу биноларнинг биринчи ва иккинчи қавати бизнес учун тадбиркорларга берилиб, юқори қаватлари арзонлаштирилган яшаш жойлари бўлади. Талабаларга у ерда яшаш харажатларининг 50 фоизи бюджетдан қоплаб берилади. Кўриниб турибдики, ДХШ таълим тизимидан бирмунча фарқ қилади. Шу туфайли шунга мос низомлар ишлаб чиқилиши лозим.

Тиббиёт тизимига инвестиция киритувчи маҳаллий тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлаш механизми жорий этилган. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тижорат банклари томонидан 200 миллион АҚШ долларига тенг бўлган имтиёзли кредитлар 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 8 йилгача бўлган муддатга банкнинг қайта молиялаштирувчи маржаси билан бирга йиллик 1,0 фоиз миқдорда амалга оширилиши белгиланган. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, йирик ҳажмдаги лойиҳаларга нисбатан кичик ҳажмли лойиҳаларга хусусий тадбиркорлар кўпроқ қизиқиш уйғотмоқдалар.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ДХШ лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш, аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашдаги устувор вазифалардан ҳисобланади. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалининг бир қаватли биносида патоморфология лабораториясини 10 йил муддатга ДХШ лойиҳаси асосида ташкил этиш лойиҳаси дастурга киритилган. Унинг қиймати 3,5 млрд. сўм этиб баҳоланган. Шу қатори, шу марказ ҳудудида айти шу лойиҳанинг қийматидан йирикроқ ҳажмдаги лойиҳа таклиф этилган, яъни қиймати 8,7 млрд. сўмга тенг бўлган лаборатория лойиҳаси 20 йил муддатга хусусий шерикка фойдаланишга берилади.


Давлат-хусусий шериклик асосида имзоланган битимларнинг йирик ҳажмида аэропорт қуриш ва реконструкция қилиш, автомагистрал йўллари қуриш, йирик тиббий хизмат кўрсатиш объектларини қуриш, муқобил энергия ишлаб чиқариш станциялари қуриш ишлари амалга оширилган.



4-расм. Йиллар кесимида рўйхатга олинган ДХШ лойиҳалари тенденцияси¹⁵

¹⁵ Data.egov.uz сайти асосида муаллиф томонидан ишланган.

ДХШ агентлиги ташкил этилгани билан, илк йиллари бу соҳа ўз самарасини бермади. Лойиҳаларда бирмунча узилишлар, қонуний ноқулайликлар ва бир қатор объектив сабаблар асосида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш имконияти бўлмади. 2021 йилга келиб, рўйхатга олинган ДХШ лойиҳалари ҳам сони, ҳам ҳажми кескин равишда юқори ўсиш суръатини кўрсатди. Натижада 2021 йилда бу кўрсаткич 3 187 млрд. сўмни ташкил этди. ДХШни ривожлантириш агентлиги фаолияти ва давлат-хусусий шериклик механизмини такомиллаштиришга доир бир қатор қонун лойиҳалари янгилашиши, такомиллашиши натижасида 2022 йилнинг 6 ойлик кўрсаткичи аввалги йиллардан фарқли кўринишга эга бўлди. 2022 йилнинг ярим йиллик ҳисоботларидан келиб чиққан ҳолда жами 17 608 млрд. сўм миқдоридаги шартномалар имзоланган ва рўйхатга олинган. Бу кўрсаткич сон жиҳатидан 90 та лойиҳани ташкил этади. 2021 йилда 156 та лойиҳа рўйхатга олинган бўлса, 2020 йилда эса 51 та лойиҳа имзоланган.



5-расм. ДХШ лойиҳалари худудлар кесимида (сони)¹⁶

Кичик ҳажмли ДХШ лойиҳаларининг жозибадорлиги юқори баҳоланиб, уларни амалга ошириш имконияти юқори ва бу йўналишларга хусусий шерик жалб этиш имконияти юқори баҳоланади. Тошкент шаҳрида лойиҳалар сони кам бўлса-да, улар 16 759.49 млрд. сўм қийматидаги йирик лойиҳалардан иборат.

Диссертациянинг «Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишида давлат-хусусий шериклик механизмларини татбиқ этиш ва такомиллаштириш» номли учинчи бобида Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ ва соҳаларида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш йўналишлари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг концепциялари келтирилган ва уларни жорий этиш масалалари асослаб берилган, давлат-хусусий шерикчилик лойиҳаларига инвестициялар киритишни молиялаштириш воситаларини такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

¹⁶ Муаллиф ишланмаси.

Давлат-хусусий шериклик механизмининг ривожланиши иқтисодий ривожланиш, янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва иш ўринларини яратишга сезиларли таъсир кўрсатади, бу эса аҳоли даромадларини оширади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти йиллар давомида барқарор ўсиш даражасини кўрсатмоқда.

Дунё иқтисодиётида юз бераётган турли тебранишларга қарамай, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти барқарор ривожланишда давом этиб келмоқда. Ўртача 6.5 %лик ўсиш суръати сақланиб турибди.

ДХШ лойиҳалари амалга оширилиб, уларни фойдаланишга топшириш натижасида ЯИМ ҳажми нисбатан кескин ортиб, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 7,4 %лик ўсиш ҳажми билан 734.588 млрд. АҚШ доллари қийматига етган. 2020 йилда COVID-19 пандемияси сабабли ҳам иқтисодий ўсиш ҳажми 1,9 % ўсиш кўрсаткичида бўлган (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг йиллар кесимида иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари¹⁷

№	Йиллар	ЯИМ (млрд. сўм)	Ўсиш суръати (%)
1.	2010	78,937	7,1
2.	2011	103,233	7,5
3.	2012	127,590	7,1
4.	2013	153,311	7,3
5.	2014	186,829	6,9
6.	2015	221,351	7,2
7.	2016	255,422	5,9
8.	2017	317,476	4,4
9.	2018	424,729	5,4
10.	2019	529,391	5,7
11.	2020	602,19	1,9
12.	2021	734,588	7,4
13.	2022	627,476	5,8
...
21.	2030	1 792,000	-

